

Судланувчининг ҳаракатлари ортиқча квалификация қилинганлиги учун суд қарорлари ўзгартирилди.

Жиноят ишлари бўйича Наманган вилоят судининг 2008 йил 6 февралдаги ҳукмига кўра, У. спиртли ичимлик ичиб, маст ҳолда ухлаб ётган ожиз аҳволдаги ўғли Т.ни, турмуш ўртоғининг кўз ўнгида, ўта шафқатсизлик билан қасддан ўлдириб, жасадини “Тико” русумли автомашинада “Фарғона” каналига олиб бориб сувга ташлаб юборганлиги учун Жиноят Кодексининг 97-моддаси 2-қисми “в,ж” бандлари ҳамда Жиноят Кодексининг 134-моддаси билан судланган.

Апелляция инстанцияси суди ҳукмини ўзгаришсиз қолдирган.

Суд У.ни ўғли Т.нинг жасадини содир этган жиноятини яшириш мақсадида каналга ташлаб юборганлиги ҳолатини мурдани таҳқирлаш деб баҳолаб нотўғри хулосага келган. Қонун мазмунига кўра, мурдани яшириш, беркитиш мақсадида мурдага нисбатан қилинган хатти-ҳаракатлар мурдани таҳқирлаш учун жавобгарликни истисно этади.

Шу сабабли Олий суд жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2008 йил 15 майдаги ажрими билан суд қарорларининг У.ни Жиноят Кодексининг 134-моддаси билан айбдор деб топган қисми бекор қилиниб, ишнинг шу қисми тугатилди.

ЖСҲ-129-08

